

Мамадалиева Хабибаҳон Мухиддин қизи

Андижон давлат чет тиллари институти ўқитувчиси

Аннотация: лексик-семантик майдон деганда, биз мураккаб лексик микротизимни назарда тутамиз. Бу микротизим ўзига хос майдон структурасига эга бўлиб сўзларни семантик тамойил асосида бирлаштиради. Лексик-семантик майдоннинг характерли хусусиятларидан бири шуки, унда марказий майдон тушунчаси ва унинг марказдан узоқлашган периферик қисми ўрин олади, шунингдек, майдон иерархик тарзда, яъни поғоналашган тартибда жойлашади.

Калит сўзлар: лексик-семантик майдон, лексик микротизим, майдон структураси, семантик тамойил, марказий майдон, периферик қисми, иерархик.

Ўзбек тильтунослигига семантик майдон назариясига бўлган қизиқиши XX асрнинг ярмидан сўнг вужудга кела бошлади. Бу ўринда Р.Расулов, Э.Бегматов, Т.Мирзақулов, А.Нурмонов, Ш.Искандарова, Ҳ.Неъматов, Р.Сафарова, А.Собиров, Ҳ.Хожиева, М.Абдиев, Ж.Б.Бўронов, Ш.Сафаров, Ў.Қодиров, Ў.Қ.Юсупов, С.Рахимов, Ф.Хошимов, Ж.А.Ёқубов, М.Абдувалиев, Ш.Шокиров сингари тильтунослярнинг илмий тадқиқотлари ҳамда шу асосда эришилган хулосалар ўзбек ва бошқа дунё тиллари лексикаси, морфологияси ва синтаксисини майдон назарияси асосида ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Функционал-семантик майдон – тилнинг турли қатламларига мансуб воситалар (морфологик, синтактик, сўз ясаш воситалари, лексик) шунингдек, лексик-синтактик жиҳатдан уюшган умумий характердаги тизимдир.

Макрокомпонентлар сўз семантикасининг асосий хусусиятини аниқлаб беради ва уларни лексик бирликларнинг семантик оппозицияси орқали ажратиб олиш мумкин. Сўзниг лексик маъносида мутахассислар икки хил макрокомпонентни фарқлайдилар: денотатив ва коннотатив компонент. Денотатив компонент лексик маънонинг асосий компонентидир, у ўзида коммуникатив жиҳатдан аҳамиятга молик бўлган предмет-тушунчани мужассам этади, номи тилга олинган нарса(предмет)нинг белгиси ва хусусиятларини англатади. Денотатив ва коннотатив макрокомпонентлар ўз таркибидан микрокомпонентларни ажратиб чиқаради.

Тил маълумотларига кўра, инсон қиёфасини яратиш, Ю.Д.Апресяннинг айтишича, “ҳар қандай фаолият, ҳар қандай ҳолат, ҳар бир реакция ўз тизимига эга. У маълум бир органда локализация қилинади, у маълум бир ҳаракатни бажаради, маълум ҳолатга келади, керакли реакцияни ҳосил қиласди. Баъзида битта орган бир нечта тизимга хизмат қиласди ёки битта тизимга бир нечта органлар хизмат қиласди. Қизиги шундаки, руҳда фақат ҳис-туйгулар локализация қилинади, лекин баъзи истаклар ҳам бор ... Бу тизимлардан ташқари, маълум кучлар ёки қобилияtlар инсонда мустақил равиша ҳаракат қиласди¹. Бундай тизимлар сифатида муаллиф жисмоний идрок, физиологик ҳолатлар, физиологик реакциялар, жисмоний ҳаракатлар ва фаолиятлар, истаклар, фикрлаш ва интеллектуал фаолият, ҳис -туйгулар, нутқ ва кучлар сифатида эса ирода ва виждан деб номлади.

Кўйида ўзбек тильтунослигига майдон назариясининг кириб келиши, тил мазмуний тизимида майдон сифатида қарашнинг маълум афзалликлари, майдоннинг хусусиятлари, унинг ўзига ёндош бошқа ҳодисалардан фарқланиши, ўзбек тили мазмуний тизимида маълум ўрин тутувчи айрим микромайдонлар борасида фикр юритилади.

Майдон назарияси ўша тилда сўзлашувчи ҳалқа ҳаётнинг маълум бир соҳасида мулоқот юритиш жараёнида қўлланилувчи сўзлар (лексик бирликлар)нинг асосий

¹ Апресян Ю.Д. Языки славянских культур. – М., 2010. – С.408.

ILM FAN YANGILIKLARI KONFERENSIYASI²¹

30-Sentabr

ANDIJON, 2024

фондини бутун кўлами билан англаш, мулоқот жараёнида бу тизимдан зарур бўлган сўзларни танлаш имкониятини беради ва бу сўзларнинг бир-бiri билан ўзаро маъно жиҳатидан боғлиқлигини таъминлайди.

Функционал-семантик майдон – тилнинг турли қатламларига мансуб воситалар (морфологик, синтактик, сўз ясаш воситалари), лексик шунингдек, лексик-синтактик жиҳатдан уюшган умумий характердаги тизимдир. Функционал-семантик майдон – билетерал, яъни – икки ёқлама характерда бир-бiri билан боғланган, маъно планигагина эмас, балки ифода планига ҳам эга бўлган бир бутунликдир.

Лексема-сўз билан тушунча ўртасидаги алоқага сигнификатив алоқа дейилади ва шу алоқа натижасида юзага чиқадиган маъно концептуал маъно деб юритилади. Тушунча мантиқий категория бўлиб, оламни рационал жиҳатдан билишимизда у муҳим аҳамият касб этади.

Ш.Искандарова ўз асарида мазмуний майдон тўғрисидаги турли йўналиш ва тадқиқотчилар орасидаги хилма-хилликларга қарамай, бошқа тилшунослар томонидан бир хил қилиб олинган бир қанча назарий томонларини очиб берди, ўз китобида қатор семантик майдонлар: темпораллик, локаллик, микромайдон, шарт, тўсиқсизлик микромайдонларини чукур таҳлил қилиб, уларни ранг-баранг мисоллар билан ёритиб берган.

Кейинги йилларда ўзбек тилшунослигида ономасиологик тамойилга асосланган, тил мазмуний мундарижасига майдон сифатида ёндашув асосидаги тадқиқотлар анча оммалашди. Жумладан, А.Собиров томонидан ёзилган илмий тадқиқот ишида лексик сатҳга мазмуний майдон сифатида ёндашган бўлса, Н.Нишонова лексик сатҳ таркибидағи маълум микромайдонларнинг семантик таҳлилига эътибор қаратдилар.

Тарихдан маълумки, тилдаги луғавий бирликларни бир қанча мазмуний уяларга бириктириш ҳамда улар ёрдамида бадиий-тарихий ё лингвистик асарлар яратиш Шарқ олами, хусусан, туркийзабон ёзувчилар ҳамда мутахассислар номи билан бевосита боғлиқ. Масалан, “Бобурнома” асарида Ҳиндистон тасвири билан бирга семантик майдон тамойилидан фойдаланиб, ўша ҳудуддаги зоонимлар, орнитонимлар, фитонимлар ва ҳоказолар мавзу тўдалари бўйича тасниф қилинган. Шу билан бирга бобурийзода Аврангзеб ҳукмронлиги даврида ижод қилган Мухаммад Ёқуб Чангий ўзининг “Келурнома” номли луғатини яратишда турли мавзуга оид ва уяли луғат тузиш усулидан фойдаланиб фаолият юритган.

Содда ва мураккаб таркибли лексемаларнинг ифода этилган маънолар асосида гурухланиши, уларнинг ўзаро ва бошқа сўзлар билан маъновий (семик) муносабати масаласи бугун кўтарилаётгани йўқ. Бу масала кўпдан буён соҳа олимларининг эътиборини ўзига жалб этиб келган.

Ўзбек тилшунослигида майдон назариялари тавсифи ва таснифи ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб майдон назарияси билан боғлиқ бўлган бир қатор илмий-назарий ишлар билан илмий қарашлар юзага келди.